

Ҳиммат қилайлик!



17:00 / 19.06.2022 3387

Сиз пулингиз озлигидан, машинангиз оддийлигидан, уйингиз торлигидан шикоят қилаётган бўлсангиз, баъзиларда озгина пул, машина, уй бўлмаслиги мумкин.

Қўлингизда оз бўлса ҳам молу давлат бўла туриб, ношукрлик қилманг! "Йўқ, йўқ" деб шикоят қилманг! Фаришталар "омин" дейишса, ростдан ҳам йўқ бўлиб қолади. "Менда 100 минг сўм бўлса ҳам бор, 50 минг сўми борлар қанча. Ўшалар жим юрибди-ку, дод-вой қилмаяпти-ку" денг.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай деб мараҳамат қилган:

﴿دَيْدَشَلْ يَبَادَعُ نَّإِمْ تُرَفَاك نَّإِمْ وَ﴿مُكَّنْدِي زَالَ مُتْرَكَش نَّإِمْ كُبَّرَ نَّذَاتْ ذِإْوَ

“Ва Роббингизнинг «Қасамки, агар шукр қилсангиз, албатта, сизга зиёда қилурман. Агар куфр келтирсангиз, албатта, азобим шиддатлидир», - деб эълон қилганини ҳам эсланг» (Иброҳим сураси, 7-оят)

Инсон бориға шукр қилса, ўша бориға яна қўшилиб, зиёда бўлади. Агар ношукрлик қилса, боридан ҳам айрилади ва азобға гирифтор бўлади.

Унутманг! Фақирлар фақат Рамазонда эмас, кейин ҳам топилади. Садақа қилингани учун савоб Рамазондан кейин ҳам берилади. Динимиздаги инфоқ, эҳсон, садақага бўлган тарғиб Рамазон ойидан кейин ҳам амалдадир.

Фақирга ёрдам қўлини чўзсак, фақирнинг ҳам, бизнинг ҳам Роббимиз бўлган Раззоқ бизга ёрдамани ато этади.

Садақа сўзи "тасдиқловчи" деганидир. Нимани тасдиқлайди? Сизнинг охиратга бўлган иймонингизни тасдиқлайди. Сизнинг "Мен бу фақирга 10 минг сўм беряпман. Аллоҳ насиб этса, бунинг савобини 10 баробардан 700 баробаргача кўпайтирилган ҳолда охиратда оламан" деган ишончингиз, иймонингизни тасдиқлайди!

Азизлар, атрофимизга бир назар солайлик! Ён қўшнимиз нонушта, тушлик ва кечки овқатда нима еяпти? Биз каби таом еяптими ёки бир бурда нон, гўштсиз шўрва билан кун кечиряптими? Унинг ҳам дастурхони бизниқига ўхшаб тўлиб турибдими ёки фақирона дастурхон атрофида ўтирибдими?

Қариндошларимиз орасида қийналганлар йўқмикин? Бундан хабаримиз борми ёки ишимиздан ортмай, кимнинг қандай шароитда яшаётганидан беҳабаримизми?

Савоблар кўпайтириб бериладиган ойдаимиз. Келинг, озгина ҳиммат қилайлик! Ишонинг, ҳамёнингиздан кетган пул сизнинг бойлигингизни ҳеч қачон озайтирмайди. Аслида бойлигингизга бойлик қўшилишига сабаб бўладигани айнан ўша пулдир!

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам "Садақа бериш туфайли банданинг моли асло камайиб қолмайди!" деганлар. Бу гапни ҳавои нафсидан сўзламайдиган, ҳар бир гапи Аллоҳнинг ваҳийси, кўрсатмаси билан бўладиган зот айтганлар.

Аллоҳ таоло гуноҳларимизни кечирсин! Садақаларимизни қабул айласин! Ҳимматимизга ҳиммат қўшсин! Қўшниларимиз ва қариндошларимиз, умуман, барча диндошларимиз бизнинг мурувватимиздан, саховатимиздан хурсанд бўлишсин! Ўзимиз эса охиратда улкан савоблардан шод бўлайлик!

Нозимжон Ҳошимжон